

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодий университет
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

ТАСДЫҚ ЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТЎЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Хўш кўрагани Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўқув-услубий маърузалар бўлими
2021 йил 08.08 даги 3 - сонли йўналишда маъруза
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2021 йил 18.08 даги 356 - сонли буйруқ билан тасдиқланган

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари
магистратура мутахассислигининг малака талаблари

Маъмур Малака талаблари "Олий таълим давлат таълим стандартлари
Ассессмент ҳондалар", "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликнинг
классификатори", Ўзбекистон Республикаси Мамлакат таълим
мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.
Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Малака талабларини расмий қилиш
эши ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигига тегишлидир.

Тошкент

ЎЗР ОУМТВ
Буйруқ № 356
"18" 08 2021 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари магистратура мутахассислигининг умумий таснифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари магистратура мутахассислиги Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	4
1.2.1.	70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари..	5
1.2.3.	70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар	7
2.2.	Касбий компетенциялар	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи	9

1. 70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ҳамда иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. 70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари иқтисодиёт соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, корхона/ташкилотлар, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларининг ҳар хил турларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш, бошқарув жараёнларини корпоратив ахборот тизимлари, рақамли иқтисодиётнинг технологиялари ва замонавий дастурий воситалар ёрдамида ислоҳ қилишга оид комплекс масалаларни ҳал қилиш, мутахассисликка оид касбий кўникма ҳамда мутасаддилик қобилятига йўналтирилган инсон фаолиятининг комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;

- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг таркибидаги ташкилотлар;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва унинг таркибидаги ташкилотлар;
- илмий техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ, академик илмий тадқиқот муасаса ва ташкилотлари;
- биржалар, банклар, консалтинг фирмалари, венчур корхоналари, бизнес инкубаторлар, туристик компаниялар;
- акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялари, ассоциациялар, конценрлар, уюшмаларнинг техник, лойиҳа, иқтисодий аналитик ва таҳлилий бўлинмалари;
- қўшма ва хорижий йирик корхоналар, суғурта ва лизинг корхоналарининг консалтинг хизмати марказлари;
- халқ таълими ва олий таълим тизимидаги муассасаларнинг ахборот-техник бўлинмалари;
- рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари соҳасидаги корхона/ташкилотлар;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхона/ташкилотларининг ахборот бўлинмалари;
- ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер тармоқлари;
- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва таркибий қисмларининг рақамли иқтисодиётдаги ахборот фаолияти;
- таълим муассасалари ҳамда уларни бошқаришдаги ахборот жараёнлари;
- бизнесни бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини қўллаш жараёнлари;
- маълумотлар ва билимлар базалари, катта ҳажмдаги маълумотлар базаларини йиғиш ва қайта ишлаш;
- ахборотларни ҳимоялаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказлари;
- ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида инновациялар ва инновацион жараёнлар.

1.2.3. 70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолияти;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- лойиҳалаш, конструкторлик технологик фаолияти.

1.2.4. 70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.

70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;

- илмий мақолалар, маърузалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;

- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;

- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот-коммуникацион, педагогик ва рақамли технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий таълим платформалар ва ўқув-методик мажмуаларни мукамал ўзлаштириш;

- ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш;

- турли мулк шаклларига тегишли, турли тармоқ ва соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари ахборот коммуникация хизматлари бўлимлари фаолияти бошқарувини ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини ривожлантиришнинг ахборот стратегияларини ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

- илмий ва амалий фаолиятда соҳага оид тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш усулларида фойдаланиш ва мониторинг олиб бориш;

- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқарув жараёнини самарали йўлга қўйиш учун ишончли маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

- корхона/ташкilotнинг ички ахборот тизимини яратиш ва татбиқ этиш;

- ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимлари соҳасидаги ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш;

- иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- амалий фаолиятда тизимли таҳлил қила олиш, инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш.

Ташкилий бошқарув фаолияти:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш

- корхона/ташкilotларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

- бажарилаётган ишлар режасини тузиш ва ушбу режани назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;

- давлат ва шахс ҳамда хўжалик фаолияти субъектларининг замонавий ахборот тизимлари инфратузилмасини ташкил этиш;

- қабул қилинадиган қарорларни иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари вариантларини ишлаб чиқишда ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда илмий ечимларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва рақамли ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;

- илмий ва амалий фаолиятда рақамли иқтисодиёт технологиялари ва экотизим воситаларини ривожлантириш;
- иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари корхоналарида янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни татбиқ қилинишини ташкил этиш.

Лойиҳалаш-конструкторлик ва технологик фаолиятида:

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқи қилиши;
- тармоқ ва соҳаларда намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиши;
- илмий ва амалий фаолиятида корпоратив ва автоматлаштирилган ахборот тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш малакаларига эга бўлиши;
- иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари корхоналарига янги инновацион лойиҳаларни, рақамли иқтисодиёт технологияларини ва технологик жараёнларни татбиқ қилинишини ташкил этиши.

2. 70310106 – Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- рақамли иқтисодиёт технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида рақамли иқтисодиётнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларини англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиш;
- ишлаб чиқаришни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимлари асосида ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалари ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиши;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда замонавий ахборот тизимларини қўллаш билиши;

- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши;

- лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш, тармоқлар ва соҳалар бўйича молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш кўникмаларига эга бўлиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича иқтисодий ривожланишни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимлари асосида таъминлаш, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишни ва таҳлилий ишларни бажаришни билиш;

- корхона ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари фаолиятини режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- ахборотларни қайта ишлашнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқа олиш;

- замонавий дастурлаш тилларини ўзлаштириш ва корхона/ташкilotлар учун керакли дастурларни ишлаб чиқа олиш кўникмаларига эга бўлиш;

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнларида ва ташкилотларнинг бошқарув жараёнларида ахборот тизимлари фаолиятини оптималлаштириш;

- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий ахборот тизимлари ва технологияларини қўллаш олиш;

- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шарномаларни шакллантириш ҳамда электрон тижоратни йўлга қўйиш кўникмаларига эга бўлиш;

- замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари асосида макроиқтисодий муҳитни, бозор ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари асосида бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:


касбий фаолият тури, компетенция, модуль, мутахассислик, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, замонавий ахборот технологиялари, ахборотларни қайта ишлаш, иқтисодий ахборот тизимлари, маълумотларни қайта ишлаш, дастурлаш технологиялари, ахборот хавфсизлиги, маълумотлар базалари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорат, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, рақамли иқтисодиёт, кредит-модуль тизими, замонавий тадқиқот методлари, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:



Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Ректор  К.А. Шарипов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси

Раис  Б.А. Бегалов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор  М. Эсанов

202_ йил « _____ » _____


Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети




Ректор  Б. Махкамов

202_ йил « _____ » _____

Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникация-
ларини ривожлантириш вазирлиги
Бошқарма бошлиғи



 Ж. Шукуров

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.

ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий
тадқиқот маркази



Директор  М. Калонов

202_ йил « _____ » _____

М.Ў.